



## ГАП ПРАГМАТИК МАЗМУНИНИНГ КОНТЕКСТДА ЎЗГАРИШИ

*Холматова Вазира Нарзуллаевна,  
КарМШИИ тадқиқотчиси*

*Калит сўзлар:* нуткий гап, прагматика, нуткий акт, коммуникатив мақсад, семантика, субъектив маъно, контекст.

Мулоқотга киришувчилар нуткий фаолият жараёнида турли мақсадларни кўзлаб ҳаракатларни бажарадилар. Маълум мақсад сари бажарилган нуткий ҳаракат асосида синтаксис сатҳининг асосий бирлиги бўлган гап ётади ҳамда унинг воситасида фикр шаклланади, ифодаланади ва хабар қилинади (Сайфуллаева ва бошқ. 2010:313; Юсупов 2011:213).

Гап икки хил кўринишга эга, биринчиси тил тизимидаги модел (қолип) кўриниши бўлса, иккинчиси эса нуткий фаоллашув шароитидаги кўринишдир (Иванова, Бурлакова, Почепцов 1981: 269; Слюсарева 1981: 67). Бу кўринишдаги гап коммуникатив бирлик сифатида тилшуносликнинг прагматик ва коммуникатив йўналишлари тадқиқ объектига айланади. Ушбу йўналишларда тил бирликлари, грамматик шаклларнинг қўлланиш мўлжали, мақсади ҳамда уларнинг маълум мулоқот вазиятлари, нуткий акт тузилиши ва мулоқот интенцияси ўзаро боғлиқ ҳолда фаоллашув ҳолатлари тавсифланади.

Коммуникатив тилшуносликнинг алоҳида йўналишда ривожланиши маъно (мазмун) категориясининг бошқача талқин олишини тақозо этди. Мазмун ҳодисаси эндиликда мақсадли, ҳаракат, коммуникатив мўлжал тушунчалари билан боғлиқ ҳолда тавсифлана бошланди. Нуткий тузилмалар семантикаси, нафақат гапнинг денотатив маъносини, балки унинг коммуникатив-прагматик мундарижасини ҳам қамраб олади. Нуткий акт назарияси тарғиботчилари мазмунни сўзловчи ҳаракати, истаги билан боғласалар (Кобозева 1986:7-21; Bach 2003), бошқалар учун прагматик мазмун ажратилишида тузилманинг тингловчи ёки

адресатга таъсири муҳимдир (Грайс 2004:75-98; Богданов 1996). Назаримизда, прагматик мазмунни сўзловчи мақсади билан боғлиқ равишда талқин қилиш маъқулроқ кўринади.

Нуткий бирликлар прагматик мазмунини аниқлашда сўзловчининг коммуникатив мақсадига ишора қилувчи «иллокутив таъсир» тушунчасига мурожаат қилиш одат тусига кирган. Нуткий акт назариясининг тарафдорлари мазмунни сўзловчининг тингловчига иллокутив таъсир ўтказиш ҳамда уни кўзланаётган мақсадни қабул қилиш ва жавоб бериш билан боғлайдилар (Сёрль 1986: 160).

Айтиш жоизки, маънони адресатга таъсир ўтказиш ҳаракати билан уйғунликда талқин қилиш анъанаси генератив тилшунослик соҳасида ҳам муҳимлашган эди. Лекин генеративистлар эътиборни асосан маънонинг ўзига қаратиб, сўзловчининг иштирокини унутган эдилар (қаранг: Сафаров 2013: 190).

Маъно категориясини сўзловчи билан боғлашни илк бора Г.Грайс таклиф қилган эди. Прагматик таълимотга «субъектив маъно» ёки «сўзловчи маъноси» тушунчаларини киритган Г.Грайс «А means something by X» формуласини тавсифлаётди, «бирор киши (А) бирор лисоний бирлик (X) ни кўллаётди, маълум маънони назарда тутди» қабилада изоҳлайди. Олимнинг наздида, нуткий тузилманинг субъектив маъноси сўзловчининг тингловчига таъсир ўтказиш йўли билан аниқ бир натижага эришиш истагидир (Сёрль 1986).

Кўринадики, X ифодалаётган маъно семантика доирасида ўрганилса, ушбу вазиятда сўзловчи X воситасида нимани



билдиришни истаётганини прагматика ўрғанади. Прагматика маънони нутқий вазиятга боғлиқ ҳолда талқин қилади (Leech 1983:6) ёки, бошқача айтганда, унинг предмети гапнинг қандай шароитда ва қай мақсадда талаффуз этилишидир.

Аммо коммуникатив мақсад гап мундарижасининг фақат бир томонини, аниқроғи – субъектив қисмини ташкил қилади. Унинг объектив жиҳатлари эса тингловчининг билдирилаётган мақсадни идрок этишига бориб тақалади. Зотан, мулоқот ҳаракатини ижро этаётган сўзловчи ҳар доим маълум бир натижани кўзлайди. Шу сабаб, лисоний бирликларнинг қўлланиши фақат шу натижа сари йўналтирилади (Сёрль 1986:160).

Нутқий бирлик семантикаси фақатгина луғавий ва прагматик маънони эмас, балки прагматик бўлакни ҳам қамраб олганлиги боис, ушбу семантик структурани иккита қисм, яъни пропозиция (денотатив маъно) ва сўзловчи коммуникатив мақсадни акс эттирувчи прагматик мазмундан иборат, деб қараш лозим (Иванова, Бурлакова, Почепцов 1981: 271; Cummings 2005: 58). Ж.Сёрль гап структураси семантик жиҳатдан пропозиция ва иллокутив вазифа кўрсаткичига эга эканлигини қайд қилиб, буни  $F(p)$  формуласи ( $F$  – иллокуция;  $p$  – ҳукм) билан белгилаган эди (Сёрль 1986:156-157).

Шундай қилиб, прагматик маъно сўзловчининг коммуникатив мақсадига ишора қилади ва бевосита нутқий мулоқот вазиятида юзага келади. Лекин пропозициянинг аниқ бир нутқий вазиятда фаоллашувини акс эттирувчи прагматик мазмун қўшимча модал кўрсаткичларга ҳам эга бўлади. Бу кўрсаткичлар сўзловчининг маълум қилинаётган ахборотга муносабатини ифодалаб, коммуникатив мақсадга модал-баҳо қатламини бахшида этади.

Маълум кўринишдаги прагматик маъно кўпинча маълум турдаги гап моделларига хос бўлади ва бу моделлар таркибида у ёки бу турдаги кўрсаткичлар иштироки кузатилади. Шунинг билан

биргаликда, прагматик маъно контекстга боғлиқ ҳолда юзага келиши ҳам мумкин. Чунончи, *It is cold here* пропозиция жиҳатидан хонанинг совуқ эканлигидан хабар берса-да, маълум вазиятда деразани ёпиш тўғрисидаги илтимоснинг юмшатишга айлангани мумкин.

Прагматик маъно тадқиқининг кенг тарқалган йўналишларидан бири унинг таснифий белгиларини аниқлашдир. Тилшунослар гапларни прагматик таснифлаш борасида қатор таклифларни киритганлар (масалан, қаранг: Иванова, Бурлакова, Почепцов 1981; Чахоян 1979; Богданов 1989; Васх 2003; Демьянков 1995). Бундай таснифларнинг турли-туманлиги ажратилаётган прагматик маънолар ўртасидаги чегаранинг аниқ эмаслигидан гувоҳлик беради. Улар ўзаро яқинлашиб, биргина гап турли мазмун ифодали олишини кўрсатади.

Ёндашувлар ва таснифлар турли кўринишда эканлигига қарамадан, тадқиқотчилар одатда учта асосий категориал прагматик мазмунни ажратишни маъқул кўрадилар. Масалан, О.Г.Почепцов бундай категориал мазмунни коммуникатив мақсад ибтидоси билан боғлаб, уч турдаги интенцияни фарқлашни таклиф қилади: а) тавсиф; б) ундаш; в) сўраш (Почепцов О.Г. 1986: 75). Ушбу таснифнинг гапларни коммуникатив турларга ажратиш анъанаси билан ҳамоҳанглиги яққол кўриниб турибди.

Гапнинг коммуникатив мақсади ва шаклий тузилишидаги фарқ унинг турли прагматик мазмунга эга бўлишига олиб келади. Бирон-бир иллокутив ҳаракатнинг бошқа бир иллокутив акт воситасида ифодаланиши оқибатида билвосита ёки иккиламчи нутқий актлар гуруҳи ҳосил бўлади (Сафаров 2008: 91). Ж.Сёрлнинг фикрича, билвосита нутқий актлар талқини учун муҳими нафақат сўзловчининг бирорта гап воситасида унга хос бўлган мазмунни ифодалаши, балки тингловчи ушбу мазмунни қандай англаб олишини ҳам изоҳлашдир. Бироқ Сёрль қўяётган масала анча мураккаб, унинг талқини, сўзловчи, билвосита нутқий актни талаффуз этаётиб, тингловчига



айтилаётганидан кўпроқ мазмундаги ахборотни етказди ва тингловчи унинг назарга тутилаётган қисмини ажратиш қобилиятига эга бўлиши керак (Сёрль 1986: 196-197).

«Прагмалингвистика» асарининг муаллифи Ш.Сафаров ҳар қандай нутқий актнинг мазмунини англаш учун синтактик тузилмаларнинг бирламчи маъносини билиш шартлигини уқтиради. Бинобарин, «Қаламни олиб бера олмайсизми?» ёки «Ақлли боласан-да Рафикжон» каби гапларнинг илтимос ва киноя мазмунидаги нутқий акт сифатида фаоллашувини билиш учун, ушбу гапларнинг дастлабки маъноси олдиндан ўзлаштирилган бўлиши керак (Сафаров 2008:96). Формал прагматика тарафдорлари билвосита нутқий актлар мазмунини фарқлаш учун лисоний ўйин амалларига мурожаат қилиш маслаҳатини бекорга бермаган бўлсалар керак. Жумладан, швед олими Пар Сегердал *The prices went up* ҳамда *Can you open the door?* тузилмаларидаги мазмуний ўзгаришларни аниқлаш учун лисоний ўйин қатнашчилари турли амалларни бажариши лозимлигини қайд этган ва бундай «ўйин» давомида даставвал тузилмалар бўлақларга ажратилиб, кейинги босқичда уларнинг бошқа тузилмалар таркибида қўлланиш ҳолатлари ёдга олинади. Охирги босқич эса, барча қўлланишларни ўзаро қиёслашдан иборатдир. Бинобарин, *The prices went up* «Нарх-наво кўтарилиб кетди» таркибидаги *went up* бошқа қўлланишда физик ҳаракатни ифодалайди: *I went up the floor* «Юқори қаватга кўтарилдим» (Segerdahl 2000: 172-173; қаранг: Сафаров 2008: 97).

Баъзи тилшунослар иккиламчи маънони нутқий фаолият қоидалари (Gordon, Lakoff 1975: 83-106) ёки тил нормаси (Morgan 1978: 261-279) билан боғлаб ажратиш иштиёкида бўлсалар, бошқалари мулоқот этикети, ҳурмат категорияси доирасида талқин қилиш тарафдоридирлар.

Билвосита нутқий актларнинг юзага келиши коммуникатив мақсаднинг кучайиши ёки пасайиши билан боғлиқ ва

бунинг оқибатида мазмунда кўшимча модаллик маъно бўёқдорлиги пайдо бўлади. Шунингдек, тасдиқ, розилик, инкор, аниқлаштириш, ишонтириш, рад қилиш, огоҳлантириш, таҳдид, киноя, ҳайрон қолиш каби «нутқ интенциясининг маълум вазиятларда намоён бўладиган» иккиламчи прагматик маъноларини ажратиш ҳам мантиқан тўғридир. Ушбу маънолар, бирламчи категориал прагматик маънолардан фарқли равишда, бирор-бир аниқ гап турига хос бўлмаса-да, лекин зоҳиран ва тағмаъноли ифодаланиши мумкин. Бундай маънолар гап семантик структурасидан ўрин олаётиб, унга кўшимча мазмун беришлари ёки айрим ҳолларда семантик таркибда етакчи ўринни эгаллаб, бирламчи прагматик маънога айланишлари ҳам мумкин. Масалан, *I'll bet you don't even remember me, Ramona* (Salinger, *Stories*, p.43), *I hope you don't mind if my husband smokes* (Shaw, *Nightwork*, p.118) гапларида асосий бўлган тасдиқ маъноси яширин сўроқ тағмаъно билан бойитилган. Бундан ташқари, тасдиқ бирор-бир ҳаракатни бажаришни инкор этиш, ундан бош тортиш билан бирикиши мумкин:

*Will you give me a little kiss, Ramona?*  
*Mary Jane asked again.*

*I don't like to kiss people* (Salinger, *Stories*, p.43).

Истак, хоҳиш феъллари иштирок этаётган гаплар илтимос ёки буйруқни имплицит тарзда ифодалаши мумкин:

*I'd just like you to open your bag and check that nothing is missing* (Shaw, *Nightwork*, p.151).

Айрим пайтларда тақиқ ва яширин савол мазмунларининг бирикиши ҳам кузатилади:

«*Good God, Grimes,*» he said, «*Don't tell me Lily is here in the hotel*» (Shaw, *Nightwork*, p.152).

Қайд этиш жоизки, тавсифланаётган маънолар асосий (бирламчи) прагматик маънодан тамоман фарқ қилиб, сўзловчининг мулоқот мақсадига кўшимча хусусиятлар беради ва уларни ажратиш, тавсифлаш учун албатта нутқ вазияти, контекстга мурожаат қилишга тўғри



келади. Матн таркибида, маълум контекст шароитида тасдиқ, ундаш, сўраш ҳаракатларининг турли иккиламчи прагматик маънолар билан кенгайтирилиши табиийдир.

Умуман, гап семантикаси поғонали тузилишга эга бўлиб, илк босқичда асосий маъно турса, бошқалари эса иккиламчи босқичларга жойлашади. Бунинг натижасида синтактик қолипларнинг турли кўринишдаги вазифалар бажариш ҳолати юзага келади. Синтактик моделларнинг бирламчи ва иккиламчи вазифаларини фарқлаётган тадқиқотчилар (Ломтев 2007; Арутюнова 2007;) бирламчи вазифани парадигматик (денотатив) маъно вокеланишида кўрадилар. Иккиламчи вазифа эса синтактик транспозиция, яъни кўчимнинг маълум бир тури сифатида талқин қилинади. Синтактик бирликларнинг вазифавий транспозицияси, биринчилардан бўлиб фаранг тилшуноси Ш.Балли томонидан ўрганилиб, ушбу ҳодиса «лисоний бирлик, ўз семантик структурасини сақлаган ҳолда грамматик маъносини ўзгартириши» кўринишида тавсифланади (Балли 2001:130). Лисоний белги маъносининг ўзгариши натижасида семантик транспозиция юзага келади. Ш.Баллининг қайдича, бундай

транспозицияга гап ҳам учрайди (Балли 2001:135). Масалан, анъанага биноан савол гаплар қаторига киритиладиган тузилмалар тасдиқ, илтимос, инкор мазмунларини ифодалашни қайд этилган:

1) Would you like to sit down? (ундаш);

2) What difference does it make? (инкор);

3) Will you kindly answer my question? (илтимос).

Шундай қилиб, нутқий тузилмаларнинг прагматик мазмуни мураккаб кўринишга эга бўлиб, кўп босқичли лисоний фаолият муҳитида шаклланади. Мазкур мазмун мулоқот матнида сўзловчининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Контекст ва коммуникатив вазият билан шартланадиган мазмун турли маънолар (семалар) тўпламидан ташкил топади ва булардан тасдиқ, савол, ундаш кабилари бирламчи бўлса, розилик, инкор, киноя, таҳдид кабилари иккиламчи хусусиятга эга. Охирги турдаги маънолар асосий, бирламчи маънолар билан қоришган ҳолда фаоллашуви билан бир қаторда, мазмун ифодасида етакчи ўринга чиқишлари ҳам кузатилади.

### Адабиётлар

- 1 Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Ҳ., Қурбонова М.М., Юнусова З.Ҳ., Абузалова М.К. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Фан ва технология, 2010. – 404 б.
- 2 Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1981. – 285 с.
- 3 Слюсарева Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. – М.: Наука, 1981. – 201 с.
- 4 Кобозева И.М. «Теория речевых актов» как один из вариантов теории речевой деятельности // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С.7-21.
- 5 Bach K. Speech Acts and Pragmatics // Blackwell Guide to the Philosophy of Language, 2003. (online).
- 6 Грайс Г.П. Значение говорящего, значение предложения и значение слова // Философия языка. – М.: Прогресс, 2004. – С.75-98.
- 7 Богданов В.В. Лингвистическая прагматика и её прикладные аспекты // Прикладное языкознание. – СПб.: Изд-во СПб. ун-та, 1996. – С.268-275.
- 8 Серль Дж.Р. Что такое речевой акт? (пер. с англ.) // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986 а. – С.151-169.
- 9 Сафаров Ш. Семантика. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2013. – 341 б.



10 Cummings L. *Pragmatics. A Multidisciplinary perspective.* – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2005. – 336 p.

11 Чахоян Л.П. Синтаксис диалогической речи современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1979. – 168 с.

12 Богданов В.В. Классификация речевых актов // Личностные аспекты языкового общения. – Калинин: Изд-во Калининского университета, 1989. – С.25-37.

13 Демьянков В.З. Доминирующие лингвистические теории в конце XX века // Язык и наука конца XX века. – М., 1995. – С.239-320.

14 Почепцов О.Г. Основы прагматического описания предложения. – К.: Изд-во при КГУ «Вища школа», 1986. – 116 с.

15 Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – 286.

16 Segerdahl P. *Language Use. A Philosophical Investigation into the Basic Notions of Pragmatics.* – Hound mills, etc.: Mac millian Press, 2000. – 240 p.

17 Gordon G., Lakoff R. *Conversational Postulates // Syntax and Semantics. V. 3. Speech Acts.* – N.Y.: Academic Press, 1975, P.83-106.

18 Morgan Y. *Two Types of Conventions in Indirect Speech Acts // Syntax and Semantics. V. 9. Pragmatics.* – N.Y.: Academic Press, 1978. – P.261-279.

19. Salinger. J.D. *Stories.* – М.: Progress, 1982. – 437 p.

20. Shaw. I. *Nightwork.* – Pan Books Ltd., L., 1989. – 346 p.

21 Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории. – М.: URSS, 2007. – 200 с.

22 Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М.: URSS, 2007. – 383 с.

23 Балли Ш. *Общая лингвистика и вопросы французского языка. Изд. 2.* – М.: URSS, 2001. – 416 с.

*Kholmatova V. Pragmatic meaning of the sentence and its changing in context. This article is devoted to investigation of the structure of the sentences, its pragmatic meaning, semantic and syntactic ways in the English language. Theoretical content of the article is approved by examples.*

*Холматова В. Прагматическое значение предложения и его изменение в контексте. В настоящей статье рассматривается структура английского предложения, его прагматическое содержание, а также семантический и синтаксический анализ. Теоретическая часть статьи подтверждается примерами.*